

“УРУШ ЙҮЛЛАРИДА” ЁДГОРЛИГИ пойи гулларга түлди

Ёзёвонлик II жахон уруши қатнашчилариға бағишилаб ўтказилган “Уруш йўлларида” ёдгорлиги бунёд этилганига 40 йил түлди. Ўтган 40 йилда бу ерда кўплаб тантаналар бўлган. Лекин Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкилланган бу йилги тантанали тадбир бутунлай бошқача бўлди. Ёдгорлик пойи анвойи гулчамбарларга түлди. Байрам тадбирида фронт орти меҳнат фахрийлари, афғончи жангчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Дастлаб туман ҳокими бошлиқ сектор раҳбарлари, прокуратура, ички ишлар, ҳарбийлар, мактабгача таълим, халқ таълими, афғончилар, ёшлар ташкилотлари, давлат идоралари вакиллари “Уруш йўлларида” ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйишиб, таъзим бажо келтиришди. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов Президентимиз томонидан II жахон уруши иштирокчилари, меҳнат фронти қатнашчилариға яратилган шароитлар, ёзёвонлик жангчиларнинг ҳамда фронт ортидаги ота-бувиляримизнинг ғалабага қўшган хиссасига алоҳида тўхталди. Тадбир иштирокчиларини, улар орқали жамоалари, оила аъзоларини байрам билан қутлади. Ветеран жангчи-фахрий ва ногиронлар туман бўлинмаси раиси А. Абдуллаев сўз олиб, барчани байрам билан табриклади. Ёзёвондан 912 нафар урушга кетган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпининг ҳоки ўзга юртларда қолиб кетди. Ўтган аждодларимиз руҳи покига бағишилаб қуръон тиловат қилиниб, дуо қилишди. Байрам тантаналари жойларда давом этяпти.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-05-08 16:10:27